



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 11 сентябрь, № 179 (4842)

Жума

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 июнда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда) **256-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:


1) **биринчи қисм** «Чет эллик инвестор» деган сўзлардан кейин «маҳсулот тақсимида оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **иккинчи қисм** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ушбу модда биринчи қисмининг 1-5-бандларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно), агар маҳсулот тақсимида оид битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 10 сентябрь
№ ЎРҚ-217



Кеча Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида
Демократик
институтлар, нодавлат
ташқилотлар ва
фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш
органлари қўмитасининг семинари бўлиб ўтди.
ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан
хамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир бола
ҳуқуқларининг судгача бўлган босқичларда
таъминлини масалаларига бағишланди.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИНИНГ КАФОЛАТИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат ташқилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.
Маълумки, мамлакатимизнинг Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари батафсил баён қилинган. Шу жумладан, вога етмаганлар, мекнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги қатъий белгиланган. Шу нукта назардан юртимизда болалар ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш, уларга ҳар томонлама гамжурлик

қўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Ва бу, айтиш жоизки, мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз аксини топаётди.
Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг аксариятини вога етмаганлар ва ёшлар ташкил этади. Шу маънода, семинарда қайд этилганидек, уларнинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқига эътиборни қўйиш муҳим ва зарурдир. Негаки, баркамол авлод орзуси йўлида амалга ошириладиган барча ишларнинг замирида келажакка, Ватан тақдирига масъуллиқ ётади.

(Давоми 2-бетда).



ИНВЕСТИЦИЯЛАР — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббускорлигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, юртимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит туфайли хориж сармоясини жалб этиш ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Бунинг натижасида қўллаб янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётди. Бу эса иқтисодиётимиз гурираб ривожланишига, экспорт салоҳиятимиз ошишига хизмат қилмоқда.
Урганч шаҳридаги "Сом-шошиф" масъулияти

чекланган жамияти фаолияти бунинг ёрқин намунаси. Гап шундаки, яқинда ташкил этилган ушбу корхонага 4 млрд. сўм миқдорда инвестиция жалб этилиб, замонавий ускуналар ўрнатилди.
Корхона бир кеча-кундузда 5 минг дона сифатли шифер маҳсулоти иш-

лаб чиқариш қувватига эга. Тез кунларда бу ерда ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотлар харидорларга етказиб берилди. Эътиборлиси, тайёрланадиган маҳсулотнинг 40-50 фоизи экспорт қилиниши кўзда тутилган.
Янги корхонанинг ишга

туширилиши вилоят аҳолисининг мазкур қурилиш ашёсига бўлган талабини қондириш имконини беради. Энг муҳими, бу корхонада 200 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: (чапдан ўнгга) муҳандис Шавкат Химматов, корхона раҳбари Худойберган Машарипов ва цех устаси Илхом Эшонқулов.

Бахтиёр АҚРАМОВ
олган сурат.



ҚИШЛОҚ ОБОДЛИГИ — ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ

Мана, тўрт кундирки, пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуи меймору қурувчилар, ишлаб чиқарувчилару савдо ташқилотлари, жамоатчилик вакиллари билан гавжум. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жараён

Таъқидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг ҳар томонлама тўқис ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган. Президентимиз томонидан жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ва шу номада Давлат дастурининг амалиётга таъбиқ этилаётгани эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Натижада қишлоқларимиз кифоаси тубдан ўзгариб, обод ва кўркам гўшаларга айланмоқда.
Мазкур кўргазма мамлакатимиз

қурилиш соҳасида муҳим воқеа бўлди. Бундай фикрни бу ерга ташриф буюраётган ҳар бир иштирокчидан эшиштишимиз мумкин. Дарҳақиқат, у Давлат дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган ишларнинг мантқий давомидир.
Кўргазма давомида тадбир ташқилотчилари томонидан унинг иштирокчилари учун турли мавзуларда семинар ва учрашувлар, тақдирот маросимлари ташкил этилаётгани айри муқддо бўлмоқда. Хусусан, кеча Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари мута-

хассислари яратган уй-жойлар лойиҳалари намойиш этилди.
Маълумки, республикаимизнинг ҳар бир минтақаси ўзига хос иқлим шароити, ер тузилиши ёки бошқа хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шу боис кўргазмадаги лойиҳаларда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор берилган.
— Масалан, Сирдарё вилояти чўл худудида жойлашган, — дейди унинг бош архитектори Эгамназар Жураев. — Иқлим шароитимиз ҳам шунга

(Давоми 2-бетда).

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЙИФИЛИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАЖАК

Яқинда мамлакатимизда Осий Тараққиёт Банкининг котиби Роберт Даусон бошчилигида ушбу нуфузли халқаро молия ташқилотининг делегацияси меҳмон бўлди.

Осий Тараққиёт Банки (ОТБ) — Осий ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шуғулланадиган йирик давлатлараро молия институтларидан бири ҳисобланади. Банк 1965 йилда ташкил топган, унинг бош қароргоҳи Манила шаҳри (Филиппин)да жойлашган. ОТБни тузишдан мақсад — Осий ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат.

Банкининг юқори органи ОТБ Бошқаруви Кенгашидир. 2005 йил январь ойидан бошлаб ОТБ президенти Харухико Курода (Япония) ҳисобланади. Ундан олдин ушбу ташқилот президенти Тадао Чино эди. 2004 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тадао Чинони "Буюк хизматлари учун" ордени билан муқофотлади.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири мазкур таъриф давомида ОТБ делегацияси вакиллари билан суҳбатлади.

ОТБ котиби Роберт Даусон:
«Осий Тараққиёт Банкининг

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон билан ҳамкорлиги етарли даражада фаол ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ОТБга 1995 йил августда аъзо бўлди. Уша пайтдан буён қўллаб турли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда Осий Тараққиёт Банки билан амалга оширилган дастурлар ва лойиҳалар, хусусан, қишлоқ хўжали-

ги, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ирригация, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва божхона транзити ҳамда болалиқни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва бошланғич таълимни яхшилаш каби соҳаларни қамраб олган.
ОТБ ҳар қандай халқаро, шу билан бирга, минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайдиган иқтисодий ташқилот ҳисобланади. Шунинг эътиборига олинган ҳолда, ОТБ котиби "Навий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг ташкил этилиши келгусида Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг дунёдаги иқтисодий салоҳи ўсишининг асосий муҳим

омилларидан бири бўладиган стратегик лойиҳа ҳисобланишини таъкидлади.
— Биз Навоийда ушбу йўналишда янги истиқболлар буй кўрсатадиган жорий зонанинг ташкил этилишини олқишлаймиз. У хусусан, энергетика, транспорт, савдо, халқаро ишлаб чиқаришга оид ва бошқа соҳаларда фойдаланиш ҳамкорлиги йўлга қўйиш учун қулай шароит яратилишига хизмат қилади. Аминманки, ушбу иқтисодий зонанинг ташкил этилиши эвазига ҳамкорлик янада самарали асосда ривожланади, — деди Роберт Даусон.

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг нишонланиши муносабати билан Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг самимий табриқлар ва тилақларни изҳор этиш мен учун шарафдир.

Шу билан бирга, Жанубий Африка Республикаси мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама сиёсий ва иқтисодий муносабатларни мустақамлашнинг тарафдори эканини изҳор этишдан бахтиёрман. Аминманки, яқинда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада йўлга қўйилган келишувлар ўзаро ҳамкорлигимизнинг яхши натижаларга эришишига хизмат қилади. Шунингдек, давлатларимиз ташқи ишлар мақамалари, айниқса, дипломатик соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришига ишонманам.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига солиқ-саломатлик тилашга ҳамда яна бир бор келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги эзгу дўстлик ришталарининг ривожланиши ва мустақамлашнинг тилақдош эканини билдиришга ижозат этгайсиз.

Жейкоб Г. Зума,
Жанубий Африка Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатимиз ўз Мустақиллик кунини нишонлаётган кунларда Сиз, Жаноби Олийларига ушбу муносабат билан ўзининг самимий табриқларини изҳор этишдан гўят бахтиёрман. Мамлакатларимиз ва биродар халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар бундан буён ҳам тараққий этиб боришига қомил ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақам сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз ва унинг дўст халқига доимий равишда фаровонлик тилаб қоламан.

Қамол а-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ,
Кувейт Давлати Амيري.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент!
Сизни ва барча ватандошларингизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва унинг пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан самимий қутлашга ҳамда шаҳримизнинг муниципал кенгаши номидан Сизга энг эзгу тилақларни йўллашга ижозат бергайсиз.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда барча соҳаларда улкан тараққиётга эришди. Сиз белгилаб берган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларига мувофиқ, мамлакатда кенг қамровли демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилди.

Бинобарин, Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига тўлиқ интеграциялашди ва тўқимачилик саноати, автомобил-созлик, аэроавиация, қурилиш материаллари ва бошқа қўллаб соҳаларда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали халқаро бозорда ўз ўрнини мустақамлади. Ўзининг шонли ўтмиши билан ҳақли равишда фахрланса арзиғулик мамлакатимиз келажакка ишонч билан юзланмоқда.

Бугун биз минтақанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази сифатида эътироф этилган Тошкент шаҳри инфратузилмасини яхшилаш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилаётганига гувоҳимиз.

Қадимий меъморчилик билан ажойиб тарзда уйғунлашган замонавий иншоотлар ва кенг шохчулар пойтахтингиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Дунёнинг турли бурчакларида яшовчи инсонлар Тошкентга, шунингдек, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Хива ва Бухоро каби бошқа афсонавий шаҳарларига боришни орзу қилишади. Шаҳримиз майдонларидан бирига Ўзбекистоннинг мазкур гўзал шаҳарларидан бирининг номини бериш биз учун улкан шараф бўлур эди. Дарҳақиқат, бизнинг Динь-ле-Бэн шаҳримизда ўзбек халқининг санъати ва ҳунармандчилигига бағишланган муваффақият билан ўтказилган кўргазма туфайли Ўзбекистоннинг бой маданий ва маънавий меросининг кўп жиҳатларидан воқиф бўлдик.

Динь-ле-Бэн шаҳри ва бутун минтақамиз аҳолиси жаҳон тамаддунинг буюк олимлар, файласуфлар ва шоирларни туҳфа этган Ўзбекистон ҳақида, ўзбек халқининг азму-шижоати, мамлакат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари эвазига ёруғ келажакка ишонч билан қараётган, шонли ўтмишига эга бўлган мамлакат ҳақидаги билимларини янада бойитишни хоҳлашига ишончим қомил.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул этгайсиз.

Серж Глоаген,
Динь-ле-Бэн (Франция) шаҳри мэри.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ЙИГИЛИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОТБ вакилининг айтишича, 67 та аъзо давлат Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, шунингдек, Европа ва Американинг саноати ривожланган 19 та давлати ҳисобланиб, ОТБ вакиллари ҳар йили ушбу ташкилотга аъзо ва фаол ривожланаётган давлатларнинг бирида ОТБ Бошқаруви, мазкур мамлакатнинг Молия вазирлиги ва Марказий банки раҳбарлари иштирокида учрашув ўтказилади.

Шу ўринда, Роберт Даусон Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда, ОТБ Бошқаруви Кенгашининг жорий йил май ойи бошида Бали шаҳри (Индонезия)да бўлиб ўтган 42-йиғилишида ташкилотнинг 43-йиғилиши бир овоздан 2010 йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиши ҳақида қарор қабул қилинганини қайд этди. Унинг сўзларига кўра, бу ОТБнинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги биринчи йиллик йиғилиши бўлади.

Роберт Даусон бундай йиллик учрашувларда ОТБ иштирокидаги халқаро ҳамкорлик масаласининг музокараси бўлиб ўтиши, банкка аъзо давлатлар ўз мамлакатлари иқтисодий тараққиётининг намоиши акс этган, уларнинг фаолиятида ОТБнинг тутган ўрни, турли режа ва лойиҳалар ифодаланган тақдирот

ларосимлари — бизнес сессиялар ташкил қилиниши ҳақида сўз юритди.

Бали шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда йиғилиш иштирокчилари минтақавий гуруҳларга бирлашди. Осиё-Тинч океани минтақасининг 14 та давлати минтақанинг кўшма тақдиротини ўтказишди. Банк раҳбарияти бўлиб ўтиши мўлжалланаётган Тошкент учрашувида йиғилиш иштирокчиларининг минтақавий бирлашган ҳолда тақдирот ўтказиш тамойилини қўллаб-қувватлашни режалаштирмоқда.

Тошкентга ташири доирасида ОТБ делегацияси мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларда мазкур йиллик молия институти томонидан ўтказилиши мўлжалланаётган йиғилишнинг ташири масалалари муҳокама қилинди.

ОТБ Бошқарувининг навбатдаги йиллик йиғилиши бошланишига бир неча ой қолди. Олдинда турган кенг қўламли ташкилий ишларни амалга ошириш, биз ишонимсиз, бўлажак тадбирнинг муваффақиятли ўтишига хизмат қилади. Ўзбекистон ҳукумати ўтказилиши мўлжалланаётган йиғилишга ҳозирданқоқ жуда жиддий эътибор қаратаётганини кўрямиз.

Мен ушбу учрашунинг энг юқори даражада ўтказилиши учун Тошкентнинг ажойиб имкониятларга эгаллиги бизнинг ишончимиз қомил эканини яна бир бор таъкид-

лашни истардим, — деди Роберт Даусон.

Унинг таъкидлашича, «ОТБнинг Тошкентда бўлиб ўтадиган йиғилишига 2 мингдан ортиқ иштирокчи ташриф буюради. Бугун Ўзбекистон етарлича миқдорда шинам меҳмонхоналарга, ривожланган транспорт инфратузилма, тарихий қадимжоларни ўз ичига олган мамлакатнинг қадимий ҳамкорлик негизиде мураккаб вазиятдан чиқишда ёрдам берадиган лойиҳалар излаб топишдан иборат. Шериклик ва ҳамкорлик банкимизнинг асосий сиёсати эканини яна бир бор таъкидлашни истардим».

Тошкент ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Роберт Даусон, жумладан, шундай деди: «Тошкент — инфратузилма яхши йўлга қўйилган, тарҳи муваффақият билан режалаштирилган шаҳар. Менда, айниқса, яшил кенгликлар, боғлар ва даракларнинг кўплиги катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон пойтахти мўлқул очилгучи турли гулларга буркангани билан ҳайратга солади. Уйлайманки, айниқса, табиий экологияни асраб-авайлаш факултетида долзарб масалага айланиб бораётган бугунги давримизда, шаҳарнинг экологик мувозанатига нақадар эҳтиёткорлик ва меҳр билан муносабатда бўлиш, унинг инфратузилмасини, коммуникация ва транспорт йўналишларини қандай қилиб тўғри ривожлантириш борасида Тошкент дунёнинг

бошқа шаҳарларига намуна бўла олади. Бир сўз билан айтганда, менда мамлакатингизга амалга оширилган таширидан энг гўзал таассуротлар қолди».

Роберт Даусон билан сўхбатта делегациянинг яна бир аъзоси Жил Мари Дрилон хоним қўшилди. «Мен Ўзбекистонга илк бор келишим. Менда бу йил ўзининг 2200 йиллигини нишонлаган Тошкент шаҳри катта таассурот қолдирди. Бу ниҳоятда гўзал, ўзига хос архитектура, ям-яшил чаманзорлар ва оромбахш боғларга эга бўлган шинам шаҳар. Тошкент тарих замонавийлик билан табиий равишда уйғунлашган, Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир.

Мен ишониманки, биз ОТБ Бошқарувининг 2010 йилда бўладиган навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Тошкентни танлаб адашмаганмиз. Бу ерда энг олий даражадаги халқаро тадбирларни муваффақиятли ўтказиш учун яхши йўлга қўйилган инфратузилма мавжуд. Назаримда, энг муҳими, Ўзбекистонда ОТБнинг ўтказилажак ушбу йиллик йиғилишининг барча масъулияти ва аҳамиятини яхши тушунилади.

Барча маълумотлар шуни кўрсатадики, Банк бошқарувининг навбатдаги йиғилиши аъло даражада ўтади. Биз бунга шубҳа қилмаймиз».

«Жаҳон» АА.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

АНДИЖОН. Хўжабод тумани марказида 22 та дўқондан иборат муҳташам савдо мажмуаси қурилиб, фойдаланиши тоширилди.

Хўжабодда савдо мажмуаси

У «Жалақудук М кўча механизациялашган саф» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди. Бунинг учун бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

Савдо мажмуасида давлат солиқ инспекцияси, милиция таянч пункти ва минибанк учун махсус хоналар ажратилган. Янги мажмуа фойдаланишга тоширилиши билан 36 киши доимий иш жойига эга бўлди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Ромитан педагогика касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Йўлланмалар берилди

Туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда 71 та корхона ҳамда ташкилот ўзларидаги бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Тадбир якунида 120 кишига доимий ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, ярмарка иштирокчиларига меҳнат қонучилигига оид ҳуқуқий маслаҳатлар кўрсатилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАҲДА шаҳрида Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Хориж олимлари билан мулоқот

Тадбирни Марказий Осиё халқаро илмий тадқиқотлар институти Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Тарих институти билан ҳамкорликда ташкил этди.

Конференцияда дунёнинг 16 та мамлакатидан ташриф буюрган шарқшунос, тарихчи, археолог ва этнографлар Марказий Осиё тамаддуни ва маданиятининг жаҳон тарихи ҳамда ривожланишида тутган аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритдилар.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН. Мингбулоқ туманида «Мингбулоққурилишсавдо» ва «Жомашуқурилишсавдо» корхоналари иш бошлади.

Бир туманда икки корхона

Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган заводларда йилига 10 миллион донага яқин пишик гишт ишлаб чиқарилади. Бу эса туман аҳлининг ушбу қурилиш хом ашёсига бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондиради.

Муҳими, корхоналар ишга тушиши билан 50 та янги иш ўрни яратилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарзандлар камолотининг кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу боисдан жойларда ўтказилаётган турли маърифий, профилактик тадбирлар натижасида вояга етмаганлар билан боғлиқ масалалар ўз вақтида ечилиши томоқда. Бу эса, айтиш ўринлики, ёшлар ҳаётига дахлдор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси изчиллик билан таъминланаётганидан далолатдир. Семинарда, шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлаш

нинг халқаро меъёрларга мослиги ҳамда Ўзбекистонда ювенал юстиция соҳаси қиритилишининг асосий йўналишлари ва хусусиятлари буйича малакали мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Муҳокамада сўзга чиққанлар болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва маънавий кўмак бериш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи кераклигини алоҳида таъкидлашди.

Зиёда АШУРОВА.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоатида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» асарини ўрганишга бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидеги муассаса ва ташкилотлар, ижодий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш ва ҳақимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Ортимизда молия-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохот этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқ ва манфатларини таъминлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада раванқ топтириш, соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, меҳнатни эъзозлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давра сўхбатиде жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодий ҳаётини таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлаётган омиллар, 2008 йилда эришилган асосий натижалар ҳамда иқтисодий таъминоти изчил ривожлантиришдаги муҳим йўналишларга оид маърузалар тингланди.

Назозат УСМОНОВА, ўзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

мос — шамолли. Шу боис лойиҳалаштиришда уй-жойнинг нафақат ташқи кўринишига, балки унинг ички қисми, яъни ҳар бир хонанинг жойлашув тартибига ҳам жиддий аҳамият бердик. Мақсад — уйда яшовчилар ҳеч қандай нокулайлик сезмасин. Оиланинг ҳар бир аъзоси эмин-эркин яшасин. Кўрғазмада ана шундай қўлайликларга эга уч, тўрт ва беш хонадан иборат уй-жой лойиҳалари билан қатнашмаямиз. Улар дастлаб Сирдарё туманининг Собир Раҳимов, Боёвут туманининг Деҳқонобод ҳамда Сардоба туманининг Пахтаобод қишлоқлари қурилишига татбиқ этилади. Уларда уй-жойлардан ташқари, турли хизмат кўрсатиш объектлари ҳам қурилади. Хусусан, Деҳқонобод қишлоқ аҳоли пунктидаги 20 та уй-жой йил охиригача қуриб битказилади ва ўз эгаларига топширилади. Шу билан бирга, бу ерда 192 ўринли мактаб, спорт майдончаси, савдо шохобчаси ва маҳалла гузарни ҳам бунёд этилиши мўлжалланган.

Умуман, вилоят буйича Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан, 22,7 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, бу ҳудудларда 153 та уй-жой ва бошқа ижтимоий объектлар барпо этилади.

Бундай замонавий ва кўркам уй-жойлар Самарқанд вилоятининг учта ҳудудида — Пахтачи туманидаги Зиёвуддин, Самарқанд туманидаги Хўжағунжойиш ва Жомбой туманидаги Кат-

ҚИШЛОҚ ОБОДЛИГИ — ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

тақишлоқда ҳам бунёд этилади.

— Бу Самарқанд туманининг Хўжағунжойиш қишлоқда қуриладиган олти хонали уйнинг макети, — дейди Самарқанд вилояти бош архитектори ўринбосари Шеразод Тўрақулов. — Бу уй-жой иқтисоди оила ёки оиланинг кенгайтиришига мўлжаллаб лойиҳалаштирилган. Яъни унда қиришқичи эшиклари ва дам олиш, ювиниш хоналари ҳам иқтисоддан. Бундан ташқари, ошона ёки молхона-

га бориладиган йўлаклар ҳам алоҳида.

Кўрғазмада, шунингдек, қурилиш учун зарур хом ашё ва жиҳозлаш материалларининг намоиш этилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Негаки, бунда қўллаб ишлаб чиқарувчилар қурилиш ташкилотлари билан бевосита мулоқотда бўлиб, ўзаро шартномалар тузиш имкониятига эга бўлаётдилар. Шулардан бири пойтахтимиздаги мебелсозликка иختисослашган «Эътиқод» хусусий корхонасидир.

— Маҳсулот ишлаб чиқаришда, асосан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз, — дейди корхона раҳбари Абдуғани Қосимов. — Шу боис тайёрланаётган мебелларимиз анча арзон ва рўзгорбол. Бунга кўрғазма қатнашчилари ҳам эътироф этишмоқда. Шу маънода, ушбу тадбир бизга янги ҳамкорлар топшиш имконини берди. Хусусан, кеча Самарқанд ва Навоий вилоятларидан келган вакиллар билан қўллаб шартномалар тузишга муваффақ бўлдик.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ўн тўққизинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча қиритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида 50 ёшдан ошган никоҳланувчи ҳар тарафли таъбир қилинган ўз розилиги билан ўтказилади, деб акс эттирилди. Ушбу Қонун Президентимиз томонидан имзоланиб, кучга кирди. Табиийки, бу мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, юртимизда ёш авлодининг ҳар жиҳатдан барқарор вояга етиши йўлида хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, қомил инсонларни тарбиялаш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар эътиборга молик. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш,

соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарғиботини қўлайитириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга табиий ёрдам кўрсатувчи бирламчи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлиги янада аҳамиятлидир.

Қонун кучга кирди

Шуниси муҳимки, ҳар бир оила, айниқса, аёлларимиз бир ҳақиқатни чуқур тушунишлари лозим: фақат соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Бугун ўз соғлиғига эътибор бермай, турли хасталиклар саломатлигига ҳаф солиб турган даврда ҳомилдорликни бошдан кечираётган

аёлларимиз ҳам, афсуски, қўллаб топилади. Ваҳоланки, бундай лоқайдлик ўз келажагига, қолаверса, миллат истиқболига болта уриш билан баробардир.

Бугунги кунда тўйдан аввалги табиий текширувдан бош тортиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта ёшдаги ҳамда ўттиз ёшдан кейинги ҳомилдорлик каби ҳолатлар ҳам учраб турибди. Камқонлик, гипертония, юрак-қонтомир ҳамда буйрак хасталиқларини бартараф этмай туриб фарзанд қуриш, инсталмаган ҳомилдорлик сингари сабаблар боис ногирон фарзандлар ҳам туғилмоқда. Тўғри, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида жойларда ўтказилаётган «Саломатлик

ҳафталиги» тадбирлари, оилавий поликлиникалар қошидаги табиий патронаж хизматлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай чора-тадбирлар асосида саломатлик ота-оналарнинг ўз қўллариде эканлиги, барқарор авлодни дунёга келтириш ота-она зиммасига катта масъулият юкланиши, туғилажак фарзанднинг ўз вақтида аниқланмаган хасталик натижасида жисмоний ёхуд ақлий нуқсон билан дунёга келиши мумкинлиги дўстона маслаҳат тарихида тушунтирилмоқда. Аммо минг бор уқтирилмасин, оилада соғлом фикр шаклланмаган бўлса, хонадон бошлиги аёлини ардоқламаса, аёл ҳам ўз саломатлиги, туғилажак фарзанднинг тақдири хусусида астойдил

бош қотирмаса, барча ҳаракатлар бефойда. Чунки бугун ораимизда ўз ихтиёри билан шифокор ҳузурига бориш, хаста бўлмасдан илгари унинг олдини олишга ҳаракат қилиш лозимлигини била туриб, бунга лоқайд қарайдиганлар ҳам бор.

Қонун кучга кирди. Энди у мамлакатимизда демократик тамойилларни таркиб топтириш баробарида оила саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом авлодни шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ва айтиб бериш пайтда Қонуннинг амалиётдаги ижроси ҳар бир оилага, ҳар бир фуқарога катта масъулият ҳам юқлайди. Негаки, бу масала миллат саломатлиги, миллат келажаги билан бевосита боғлиқдир.

М. БОЛТАБЕКОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ЖАҲОН

24 соат ичида

80 йилда кузатилмагани

Туркиянинг Истанбул музофоти аҳолиси бу ерда юз бераётган сув тошқинидан азият чекмоқда.



касалхона, спорт иншоотларига жиддий зарар етган.

Сув тошқини юз бераётган ҳудудларда қидирув-қутқарув гуруҳлари иш олиб бормоқда. Айтиб ўта-миз, тошқинни қутилма-ганда содир бўлган ён-гарчилик келтириб чиқар-ган.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, охириги саксон йил мобайнида мамлакатда бундай ён-гарчилик кузатил-маган экан.

Аниқ маълумот йўқ


Африка ғарбида жойлашган Сьерра-Леоне мамлакатда йўловчи кема ҳалокатга учради.

“Би-би-си” хабарида айтилишича, кема кучли пўртана-га дуч келган ва чўкиб кетган. Фожиа юз берган вақтда унинг бортида 150 нафар йўловчи бўлган. Хозирча кема-дагиларнинг тақдири ҳақида аниқ маълумот йўқ. Фалокат юз берган жойда қидирув-қутқарув ишлари олиб борил-моқда.

Экспорт ҳажми ошди

Европанинг бир қатор мамлакатлари иқтисо-дийетида барқарорлашув ҳолати кузатилмоқда.

Жумладан, Германияда жорий йилнинг августда экспорт ҳажми ўтган ойда-гига нисбатан 2,3 фоизга ўсган. Бунинг асосий оми-ли хорижий мамлакатларда истеъмол даражаси юксала бошлагани билан боғлиқ.



Таҳлилчиларнинг фикри-ча, учинчи чорак якунига ке-либ, Германияда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам ўсиш кўрсат-кичлари қайд этилади.

Харидоргир автоулов

Германиянинг “Daimler” ва Франциянинг “Renault” автомобилсозлик концернлари ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида музокаралар олиб боришмоқда.

“Associated Press” хабарига қараганда, бундан қўзлан-ган мақсад Европада оммалашиб бораётган “Smart” русумли машиналарни тўрт эшикли қилиб ишлаб чиқаришдир.

Мазкур русумдаги машиналарга бундай ўзгари-ришлар киритилиши уларнинг янада харидоргир бўли-шини таъминлайди.

Таъкидлаб ўта-миз, “Smart” автоуловлари экологик жи-хатдан безарар саналади ва улар кўш энергияси билан ҳаракатланади.

Оролда зилзила

Курил оролларида зилзила содир бўлди.



Оролда қайд этилган ва унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллга тенг бўлган.

Ер силқиниши маркази денгиз тубида қайд этилгани айтилмоқда. Цунами юзага келиш хавфи йўқ. Зилзила аҳоли яшаш пунктлари-да талафотлар келтириб чиқармаганлиги маълум қилинган.

Бу ҳақда “Интерфакс” ах-борот агентлиги хабар тар-катди. Табиий офат Матау

Навбатдаги тўфон

Хитой жанубига “Мицжае” тўфони яқинлашиб келмоқда.

“Синьхуа” ахборот агентлиги хабарига қўра, бу табиий офат сўнги уч ой мобайнида Хитойда кузатилган ўн учинчи тўфондир. Шу боис ҳукумат Хайнань оролидаги сайёҳларни хавфсиз ҳудудларга кўчириш чораларини кўрапти.

Бундан ташқари, болалар боғчалари ва баъзи мактаб-лар фаолияти вақтинча тўхтатиб турилади.

Ажойиб топилма

Мьянма кўриқоналарида бирида қарий бир аср муқаддам йўқ бўлиб кетган араканда тошбақалари топилган.

Бу ерда изланишлар олиб бораётган тадқиқот гу-руҳи аъзолари ана шу тур-даги жониворларнинг беш-тасини бамбук чакалзор-лари орасида учратиш қилишган.



Айтиш жоизки, Мьянма аҳолиси араканда тошбақ-лари гўштидан тансиқ таом тайёрлашда фойда-ланишди. Қолаверса, бу жониворлар турли шифо-бахш доривор воситалар олишининг манбаи ҳамдир. Шу сабабли тошбақалар-

нинг мазкур тури омма-вий равишда қирилиб кетган эди.

Олимларнинг таъкидла-шича, эндиликда араканда тошбақаларини яна кўпай-тириш мумкин.

«Opel»нинг қарори

Жаҳон автомобиль бозорида ном қозонган компаниялардан бири «Opel» ўз шиори ва рамзини ўзгартирди.

Компания бундан кейин “Биз автомобиллар билан яшаймиз” (Wir leben Autos) шиори остида фаолият юритади. Бундан ташқари, корхона рамзи ҳам янгиланди. «Opel» бу ўзгаришларни яқин кунларда Франкфурт шаҳрида ўтказиладиган махсус тадбирда намойиш этади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Республика Қўчмас мулк биржасининг ҳудудий филиалларига суд тугатиш бошқарувчилари томонидан аукцион савдоларига чиқарилган банкрот корхоналар

Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Савдога чиқарилган банкрот корхоналар номи	Жойлашган ҳудуди	Бошланғич баҳоси (минг сўм)	Савдо тури	Савдо кунлари
Қорақалпоғистон Республикаси филиали					
1.	«Эллиққалъа КМК-2» МЧЖ	Эллиққалъа тумани	336 222,3	Аукцион савдоси	09.10.2009 й.
Андижон вилояти филиали					
1.	«6-автокорхона» МЧЖ	Хонобод шаҳри, Қорадарё кўчаси	276 388,83	Аукцион савдоси	28.09.2009 й., 30.09.2009 й., 09.10.2009 й., 16.10.2009 й.
Қашқадарё вилояти филиали					
1.	Қурилиш тугалланмаган консерва цехи	Касби тумани	12 183,0	Аукцион савдоси	15.09.2009 й.
2.	Томат ишлаб чиқариш ускунаси	Касби тумани	28 011,0	Аукцион савдоси	15.09.2009 й.
Наманган вилояти филиали					
1.	«5-қурилиш материаллари ишлаб чиқариш» шўба жамияти	Косонсой тумани	15 680,911	Аукцион савдоси	15.09.2009 й.
2.	«Норинқурилиш» МЧЖ	Норин тумани	58 331,700	Аукцион савдоси	13.10.2009 й., 16.10.2009 й., 20.10.2009 й., 13.10.2009 й., 16.10.2009 й., 20.10.2009 й.
3.	«Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати» ОАЖнинг «РАУ-ТОМБ» қўшма корхонасидаги 15 фойзаллик улуши	Поптумани	113 789,000	Аукцион савдоси	13.10.2009 й., 16.10.2009 й., 20.10.2009 й.
Сурхондарё вилояти филиали					
1.	«Сариосиё механизм қурилиш» шўба корхонаси мулкери мажмуа сифатида	Сариосиё тумани	22 387,097	Аукцион савдоси	16.09.2009 й., 30.09.2009 й.
2.	«Сариосиё инженерлик қурилиш» шўба корхонаси	Сариосиё тумани	17 710,04	Аукцион савдоси	16.09.2009 й., 30.09.2009 й.
3.	«Аҳмедов Абдурахмон қурилиш» шўба корхонаси	Сариосиё тумани	65 636,15	Аукцион савдоси	16.09.2009 й., 30.09.2009 й.
Жиззах вилояти филиали					
1.	«Барат-ота» хусусий корхонасининг асосий воситалари	Мирзачўл тумани	23 716,161	Аукцион савдоси	24.09.2009 й., 14.10.2009 й., 29.10.2009 й., 24.09.2009 й., 14.10.2009 й., 29.10.2009 й., 30.09.2009 й.
2.	«Шохруҳ-1» фермер ҳўжалигига тегишли бўлган барча мол-мулклар	Зарбдор тумани	132 502,5	Аукцион савдоси	24.09.2009 й., 14.10.2009 й., 29.10.2009 й., 30.09.2009 й.
3.	«Тасвир» қўшма корхонасига тегишли барча асосий воситалар	Жиззах шаҳри	162 171,555	Аукцион савдоси	24.09.2009 й., 14.10.2009 й., 29.10.2009 й., 30.09.2009 й.
Фарғона вилояти филиали					
1.	«Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг «Ишонч» ОАЖга қарашли бино-иншоотлар	Фурқат тумани	9 132 483,656	Аукцион савдоси	13.10.2009 й., 16.10.2009 й., 21.10.2009 й., 30.10.2009 й.

Савдога чиқарилган банкрот корхоналар бўйича РКМБнинг ҳудудий вилоят филиалларига мурожаат этиш мумкин. Телефонлар: Қорақалпоғистон Республикаси филиали (8-361) 222-84-44, Андижон вилояти филиали (8-374) 224-36-88, Қашқадарё вилояти филиали (8-375) 225-41-52, Наманган вилояти филиали (8-369) 226-27-01, Сурхондарё вилояти филиали (8-376) 227-25-49, Жиззах вилояти филиали (8-372) 222-35-77, Фарғона вилояти филиали (8-373) 224-68-70.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи барча корхона раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

Ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, фермер, деҳқон ҳўжалиқларига қулайликлар яратиш мақсадида Андижон вилоятининг Андижон, Хонобод шаҳарлари, Қўрғонтепа, Булоқбоши, Марҳамат, Ҳўжабод, Пахтабод, Избоскан, Жалақуд туманларида янги ташкил этилган савдо мажмуаларидаги дўконлар орқали ҳудуд аҳолисинга узлуksиз савдони ташкил этиш учун ишлаб чиқарилган сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини «Андижонгўштсавдо» очиқ акциядорлик жамияти (тел.: (8-374) 226-33-22, 226-66-55), «Хонободтаъминотсавдо» МЧЖ (тел.: 8-374) 734-22-63, (8-374) 977-82-21) орқали, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган Республика иқтисослаштирилган улутри база-контрорлари:


- «Озиқ-овқат моллари» (Олтинқўл кўчаси, 2-тор кўча, 115-уй, тел.: 291-40-11, 291-57-43);
- «Атторлик» (Жомий кўчаси, Мавзук тор кўчаси, 20-уй, тел.: 244-20-43, 228-08-27);
- «Газмол» (Қушбеги мавзеси, 20-«А» уй, тел.: 250-01-82, 250-01-84);
- «Маданий моллар» (Шоҳсанам кўчаси, 5-уй, тел.: 298-60-89, 298-43-88);
- «Пойабзал ва спорт моллари» (Тозарик кўчаси, 26-уй, тел.: 298-33-91, 298-47-93);
- «Улутриқийимсавдо» (Шоҳсанам кўчаси, 85-уй, тел.: 298-34-90, 298-62-63);
- «Ҳўжалик ва қурилиш моллари» (Шоҳсанам кўчаси, 85-уй, тел.: 298-44-88, 298-34-92)

ўз иқтисослашуви бўйича сизнинг корхонангиздан пул ўтказиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган товарларингизни келишилган ҳолда шартнома асосида харид қилади.

Ўқорида қайд этилган телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Телефонлар: 239-43-66, 239-48-26, 239-13-52, 239-46-97.

«ЎЗУЎГҮРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ.



«Ўзбекэнерго» ДАК «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадидаги танловда иштирок этиш учун тақлиф этади.

Танловнинг номланиши — Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўлов йиғиш вазифаларини бажарадиган хусусий инвестор операторлар танловини ташкил этиш.

Танлов ўтказишнинг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва хусусий операторга юклатиладиган вазифалар ва мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий операторга тақлиф этилаётган фаолият ҳудуди: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри.

Танлов ташкилотчиси — «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари тўлаш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қилинган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк қаролати;

- танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ электр энергияси истеъмолчиларига зарур даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малака аниқлаш ҳамда танлов ўтказиш жойи ва муддатлари: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй, Шарқий магистраль электр тармоқларининг мажлислар зали. Малакавий аниқлаш оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган пайтдан аризаларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар давом этади.

Аризаларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 9 октябрь соат 17.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати — 2009 йил 15

октябрь соат 14.00 да.

Дастлабки малака аниқлашдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларини тақдим этиши керак:

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- давлат рўйхатига олиш идорасининг инвесторни қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- тегишли давлат рўйхатига олиш идоралари томонидан инвесторни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низом ва таъсис ҳужжатлари;
- инвесторнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадили жамғармаларига тўловлар бўйича қаралари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккиламчи рақамлар асосида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;
- инвесторнинг «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан берилган маълумотнома;
- инвесторнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланилган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

Қуйидаги инвесторларнинг танловда қатнашишига қўйилмайди:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатларда тақдим этмаган;

- тугатиш ёки банкротлик босқичидаги;
- танлов эълон қилинишидан бир йилдан кам бўлган муддатда таъсис этилган;
- «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган инвесторлар танлов бўйича танлашда қатнашишга қўйилмайди.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш учун инвесторлар ўтказиладиган танлов доирасида олинмаган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисидаги шартномани имзолайдилар ва «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖнинг махсус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказдилар: «Саноатқурилишбанк»нинг Фарғона бўлими ҳисоб рақами: 22604000800215289021, МФО: 00494, СТИР: 200144930, ОКОНХ 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖга сўров билан мурожаат қилиниши керак.

Манзил: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-«А» уй.

Мурожаат учун телефонлар: (8-373) 223-38-47, 224-54-00.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорига, гаров суммаси эса — энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдорига белгиланган.

Танлов ҳужжатлари олиш учун учинчи шахснинг тўловни амалга ошириши тақиқланади.

Танлов иштирокчилари танлов комиссиясига маълумот олиш учун (шанба ва яшанбадан ташқари) ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача танлов тақлифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар мурожаат қилишлари мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
 233-10-60
 236-09-25
 232-10-63

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 242-хона

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси топуққушносоник факультети Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси доценти

Раъзоқ Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг вафоти билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармациячи институтини жамоаси Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси доценти

Эркин Маматмусаевич МАМАТМУСАЕВИЧнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ФАХР



Хар ким спортга турли йўллари орқали кириб келади. Тўғарақларга кимдир ота-онаси етаклаб борса, айрим иқтидор эгаларини мураббийлар излаб топади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, енгил атлетика бўйича Олимпиада ўйинлари иштирокчиси ва Осиё ўйинлари қолиби, кўп қарра мамлакат чемпиони Гўзал Хуббиевани қандай қилиб спортга кириб келганлиги ҳам кўпчиликини қизиқтирса керак.

Гўзал Хуббиева: «МАҚСАДИМ - ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ»

— 1988 йили мактабимизга тажрибали мураббий Анис Исахонов келган эди, — деб эслайди Гўзал. — Уша пайтлари бешинчи синфда ўқирдик. У киши спорт ҳақидаги ҳикоялари билан бизни шунчалик қизиқтириб қўйдикки, бутун синф ўқувчилари енгил атлетика тўғрисида қатъий қарар қилдик. Аммо бу спорт тури, биз ўйлагандек, шунчаки югуришдан иборат эмас экан. Қатъий тартиб асосида мураббий кўрсатмаларини бажариш учун баъзида соатлаб машғулларда қолиб кетардик. Кўпчилик синфдошларим бунга кўника олишмади. Бир вақт қарасам, битта ўзим қолибман. Бундан олдин баскетбол, сузиш бўйича машғуллар-

да қатнашганим. Рақс тўғрисида, ҳатто, хор ансамблида кўшиқ айтиб, ўз омадимни синаб кўрган-дим. Лекин уларнинг бир-биртаси мени енгил атлетика мусобақасидек ўзига ром этмаган. Унинг сирли олами бутунлай ўзига маҳлиё этганлигини ҳис қилдим. Гўзал мураббийи билан барча спортчилар орзу қиладиган йўлни босиб ўтди. Хаваскор спортчидам, халқаро мурирлар совриндори ва Олимпиада ўйинлари иштирокчисига айлан-ди. 1996 йилда Г. Хуббиева хонадонидан кувончли воқеа юз берди. Фарзанди Дмитрий тугилди. Кўпчи-

лик энди Гўзал катта спортдан кетса керак, деб ўйлаганди. Авл спортчилар фарзанд кўришганда, ўз фаолиятини якунлашларига ҳамма ўганиб қолган. Чунки спортга қайтиш учун ҳаммасини бошидан бошлашга тўри келади. Бунга кўпчиликнинг асаби дош бера олмади. Бу қийинчиликлар Гўзални чўчита олмади. У иродасини намойиш этиб, нафақат катта спортга қайти, балки Сидней Олимпиадаси йўланмасига ҳам сазовор бўлди. 2002 йилга келиб эса янги мураббий Елена

Квяткова қўл остида машғулларда қатнаша бошлади. Шунга маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Гўзалнинг 100 метрга югуриш бўйича энг яхши кўрсаткичи 11,20 сониядан иборат. 60 метрга югуриш бўйича ўрнатган Ўзбекистон рекорди (7,19 сония) ҳозиргача янгилангани йўқ. — Шу йилнинг 30 октябрь — 6 ноябрь кунлари Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтадиган Осиё ўйинлари ва

ноябрь ойи ўрталарида Хитойнинг Гуанжоу шаҳри мезбонлик қиладиган Осиё чемпионатида ҳам совриндорлар сафидан жўй олишни мақсад қилиб қўйганман, — дейди Г. Хуббиева. — Энг



Ҳам теннис, ҳам тижорат

Спортчилар орасида, айниқса, теннисчилар ҳамёнлари бақувват бўлади.

«Forbes» нашрининг маълум қилишича, айни пайтга келиб дунёнинг энг бой теннисчилари рўйхатида швейцариялик ракетка устаси Роже Федерер пешқадам бўлиб турибди. Унинг йиллик даромади 36 миллион АҚШ долларига тенг экан. Теннисчи бунга пулни фақат ракетка ўйнатиб топатгани йўқ. Маълум бўлишича, Роже спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Nike» компанияси билан шартнома тузган. Машҳурлик шарофати билан йил давомида бойлик оқиб келаверилади. Рўйхатнинг иккинчи погонасини эса рос-

сиялик ракетка устаси Мария Шарапова банд этган. Унинг йиллик даромади 22,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Спортчининг «Nike», «Canon», «Tiffany», «Land Rover» ва «Unilever» каби компаниялар билан тузган реклама шартномалари эвазига тушаётган даромадлари мусобақаларда қўлга киритадиган мукофот пулларига нисбатан анча кўпдир. «Бойвачча» теннисчилар рўйхатининг учинчи погонасини испаниялик спортчи Рафаэль Надаль (20 миллион АҚШ доллари) эгаллаган. Шунингдек, кучли ўнликдан Серена Уильямс (18 млн.), Энди Роддик (16 млн.), Винус Уильямс (14,5 млн.), Энди Маррей (12 млн.), Новак Жокевич (10,5 млн.), Ана Иванович (8 млн.), Жеймс Блейк (7 млн.) жой олишган.

СПОРТНИНГ ОЛАМИ

Спорт шу қадар жадаллик билан ривожланиб кетдики, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида эришилаётган натижалар барчани ҳайратга солимоқда. Шундай бўлса-да, жаҳон рекордини янгилаш ҳаммининг қўлидан келавермас экан. Қуйида турли йилларда ўрнатилган жаҳон рекордларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Рекорд аккорд эмас

- 1988 йили Сеул (Жанубий Корея)да ўтказилган Олимпиада ўйинлари дастуридаги 100 метр масофага югуриш баҳсларида Бен Жонсон (Канада) ва Карл Льюис (АҚШ)лар бошқалардан сезиларли даражада илгариллаб кетишди. Уларнинг тезлиги махсус мослама ёрдамида текширилганда соатига 47,37 километри ташкил этди. Биринчилик 9,79 сония қайд этган Жонсонга насиб этди. Аммо у допинг назоратининг эътирозли тўғрисида Олимпиада ўйинлари медалидан қурак қолди.
- Ёпиқ иншоотлардаги энг узок давом этган югуриш бўйича биринчилик Франциялик Жан-Поль Боссикка тегишли. У 1992 йили 1030 километр масофани 6 кун давомида босиб ўтиб, рекорд натижа кўрсатган.
- Дунёдаги энг тез сузувчи спортчи америкалик Том Жетгер ҳисобланади. У 1990 йилнинг 23 март санасида 46 метр масофани 19,05 сонияда сузиб ўтган.
- Энг узок масофага тўхтамасдан сузиш бўйича жаҳон рекорди швейцариялик спортчи Андерс Форвассга тегишли. У 1989 йилда 101,9 километр масофани босиб ўтиш учун 24 соат сувдан чикмай сузган эди.
- 100 метрга югуриш бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон рекордини америкалик енгил атлетикачи Флоренс Гриффит-Жойнер ўрнатган. У 1988 йилда ташкил этилган мусобақада ана шу масофани 10,49 сонияда босиб ўтган.
- Узунликка сакраш бўйича эркаклар ўртасида жаҳон рекорди америкалик Майкл Пауэллга тегишли. У 8 метр 95 сантиметр натижани қайд этган. Аёллар орасида эса россиялик Галина Чистякова энг яхши (7 метр 52 сантиметр) кўрсаткичга эга.

Ф. ИБРАГИМОВ тўплади.



Тўртовлон ярим финалда

Жумладан, чорак финалда Баҳодир-жон Султонов (57 кг.) туркиялик Керем Гургенин 12:2, Ботиржон Махмудов (69 кг.) канадалик Микаэль Зевскини 5:2, Аббос Атоев (75 кг.) германиялик Константин Бугани 4:3, Элшод Расулов (81 кг.) ҳам германиялик боксчи Рене Краусени 8:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медаллар учун курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишди. Афсуски, тажрибали боксчимиз Тўлашбой Дониёров ушбу босқичда бол-

гариялик Детелин Далаклиевга 1:3, Рамзон Аҳмедов (91 кг.) эса франциялик Жон М'Бумбага 7:15 ҳисобида ютказиб қўйди. Демак, бугун ўтказиладиган ярим финал беллашуварларида ҳамюртларимизга Россия, Германия, Ҳиндистон ва Франция давлатлари боксчилари рақиб бўлади. Жаҳон чемпионати ярим финалига Россия терма жамоаси 8 нафар боксчи билан етиб келди. Ўзбекистон ва Куба терма жамоалари 4 нафардан иштирок-

чи билан кейинги ўринларда қайд этилган. Шунингдек, Мўғлистон ва Украина 3 тадан, Хитой, Италия, Пуэрто-Рико ва Франция 2 тадан, ун тўртта мамлакат эса 1 тадан боксчи билан голиблик учун курашни давом эттиряпти. Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионатида дунёнинг 133 мамлакатидан 500 нафардан зиёд «чарм қўлқоп» устаси ташриф буюрган эди.

О. ТОШТЕМИРОВ тайёрлади.

Александр Гейнрихнинг номи ўзбекистонлик футбол ишқибозларига яхши таниш. У ўзбекистон терма жамоаси ва «Пахтакор» клуби сафида муносиб ўйин намойиш этиб, турли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келаяпти. Яқинда иқтидорли футболчимиз билан келгуси режалари ҳақида суҳбатлашдик:

— Футболчилик фаолиятининг қайси жамоада бошлагансиз?
— Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари коллежидан тахсил олганман. У ерни тамомлағач, «Дўстлик» жамоаси сафига қабул қилин-дим. Ушбу жамоада майдонга асосан захирадан тушардим. Кейин «Пахтакор»га тақлиф қилишди.
— Бир неча йил Россия жамоалари сафида ҳам тўп сурган эдингиз.
— ЦСКА ва «Торпедо» клублари сафида икки йилдан тўп тепдим. ЦСКАда асосий таркибда унчалик кўп ўйнама-ган бўлсам-да, ўзимга кераклик жиҳатларини ўзлаштирдим. «Торпедо»да эса кўпроқ ўйин амалиётига эга бўлдим.
— Энди «Пахтакор» ҳақида суҳбатлашаск. Мавсум бошланганди

Александр Гейнрих:

«ПЕНАЛЬТИ БУ - ЛОТЕРЕЯ, ФУТБОЛ ЭСА СТРАТЕГИЯДИР»

жамоа олдига қандай вазифа қўйилган?
— Албатта, миллий чемпионат ва кубокда бош соврин соҳиби бўлиш ва Осиё чемпионлар лигасида муваффақиятли иштирок этиш. Биринчи вазифа — кубокни қўлга киритдик. Афсуски, чемпионатнинг баъзи бир учрашуварларида қимматли очколарни йўқотдик. Натижада ҳозир пешқадамдан ўн етти очкога ортда қоляпмиз.

Аммо Осиё чемпионлар лигасидаги совринли ўринлар учун курашни давом эттиришда яхшигина имкониятга эгамиз.
— Умуман олганда, чемпионатда қайси жамоаларни совринли ўринлар учун кураш олиб боради, деб ўйлайсиз?
— Биринчи навбатда «Пахтакор» ва «Бунёдор»ни. Хар икки жамоа яхши шаклланган

— Қайсидир жиҳатдан бу, оз бўлса-да, бизга қўл келди. Лекин ўйин тақдирини «Бунёдор» ҳимоячиси четлатилиши ҳал этгани йўқ. Қузатган бўлсангиз, кор»да келажиги порлок бўлган ёш футболчилар кимлар?
— Жамоа сардори Одил Аҳмедов, марказий ҳимоячлар Анзур Исмоилов ва Боян Миладинович, ўнг қанот ҳимоячиси Мурод Холмухаммедов ва ярим ҳимоячи Станислав Андреевич алоҳида кўрсатса бўлади. Улар миллий чемпионат ўйинларида ҳам, халқаро мусобақаларда ҳам ишончли ўйин намойиш

Спортимиз юлдузлари

— Ушбу мавсумдаги ўйинингизни қандай баҳолайсиз?
— Умуман баҳо бериш, бир оз ноқамтарлик бўлар, деб ўйлайман. Яхши, менинг ўйинимга ишқибозлар баҳо беришсин.
— Сизнингча, «Пахта-

лигини пайқаймиз ҳам. У кам гапирди ва ўта жиддий. Лекин майдонда жамоа учун бор имкониятини ишга солиб ҳаракат қилади.
— Энг кўп эслаб турадиган голибчиз?
— Шу йил Осиё чемпионлар лигасининг нимчорак финалида Саудия Арабистонининг «Ал Иттифак» жамоаси дарвозасига жаримадан урган голим. Ушунда мен кучли зарба беришга қарор қилдим ва тўп мен мўлжаллаган юқори бурчакка анж борди.
— Хориждаги қайси жамоага мухлислик қиласиз?
— Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоасига.
— Яқинда «Манчестер Юнайтед» Англия суперкубогида «Челси»га имкониятни бой берди?
— Пенальтилар сериясида. Бу эса лотерея дегани.
— Футбол ҳам лотереями?
— Йўқ, футбол бу стратегиядир. Унда омад, ҳақамлик ва футболчиларнинг шахсий ҳаракатлари ўйин тақдирини ҳал этади.

Мирзақасим ТўХТАМИРЗАЕВ суҳбатлашди.

Яшил майдон синоати

31 август кунин Европа футбол бозорига трансфер «дарчаси» ёпилди. Эътиборли жиҳати, ҳақонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, дунёнинг гигант жамоалари ўз таркибларини кучайтиришга маблағ топа олишди. Шубҳасиз, мавсумнинг энг шов-шувли трансферлари Испаниянинг «Реал» клуби томонидан амалга оширилди. Жамоа бир неча йилдан буён давом этаётган омадсизликлардан сўнг таркибини кескин кучайтиришга қарор қилди. Натижада клуб Криштиану Роналду, Кака, Карим Бензема, Хаби Алонсо каби машҳур футболчиларни сотиб олиш учун 200 миллион евродан кўпроқ маблағ сарфлади.

Асосий баҳони ишқибозлар беради

Шу билан бирга, «Қироллик клуби» бир қатор ўйинчиларнинг баҳридан воз кечди. Жумладан, голландиялик чарм тўп устаслари — Уэсли Снайдер, Арьен Роббен, Клаус-Ян Хунтелар, италиялик Фабио Каннаваро, испаниялик Мичел Салагадо ҳамда аргентиналик футболчилар Габриэль Хайнце ва Хавьер Савиола «Реал»ни тарк этишди. Мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Барселона» ҳам таркибини яна бир юлдуз билан бойитди. Жамоа Самуэль Это'Они «Интер»га кузатиш орқали миланликлар ҳужумчиси Златан Ибрагимович, шунингдек, ҳимоячи Максвеллни ўз сафига қўшиб олди. Биргина Ибрагимович учун клуб газнасида 40 миллион евро сарфланди. Бундан ташқари, «Шахтёр» шарафини ҳимоя қилиб келаётган ҳимоячи Дмитрий Чиринский ҳам жорий мавсумда «Барса» сафида ҳаракат қилади. Каталонияликлар бу футболчини харид қилиш учун 25 миллион евро тўлашди. Жамоани беларуслик ярим ҳимоячи Александр Глеб ва испандиялик ҳужумчи Эйдур Гудьонсон тарк этишди. Италия чемпиони «Интер» трансфер бозорига катта ҳаракатларини амалга оширмаган бўлса-да, керакли паллаларда фойдали ўйинчиларни «харид» қила олди. Жумладан, ҳужумчи Это'О ва унга шерик сифатида Диего Милито «сотиб» олинди. Жамоа ҳимоя чи-

зи эса Бразилия терма жамоаси сардори Лусио билан кучайтирилди. «Реал»дан «ҳайдалган» Снайдерга ярим ҳимоядан иш берилди. «Ювентус» эса ўз аъённаларига содиқ қолган ҳолда шов-шувли трансферларга қўл урмади. Жамоага ҳимоячи Фабио Каннаваро, икки нафар бразилиялик ярим ҳимоячи — Фелипо Мило ҳамда Диего келиб қўшилиши, ҳолос. «Милан» эса камтарона иш тутди. Кака «Реал»га сотиб юборилгандан сўнг фақатгина таркибига Хунтеларни қўшиб олди. Мавсумнинг яна бир қўтлмалган янгилиги Андрей Шевченконинг яна Киевининг «Динамо»сига қайтиши бўлди. Ўтган мавсумларда асосан «Челси» захирасида утирган футболчининг бундай йўл тутгани кўпчилики ажаблантирмоқда. Чунки жамоага унинг собиқ мураббийи Карло Анчелотти бош мураббий этиб тайинлангандан сўнг Шевага яна асосий таркибдан жой топилади, дея умиш қилин-ди. Аммо италиялик мухтасис Дрого ва Анелькадан иборат ҳужум жуфт-лигига кўпроқ ишонч билдиришини яшириб ўтирмади ва Шевченконинг кети-шига эътироз билдирмади. Англия жамоалари эса жорий мавсумда ўз таркибларидаги футболчиларига кўпроқ ишонч билдирмаган кўринади. Улар трансфер бозоридан даярли фойдаланишмади, ҳимоб.

Хуллас, Европа мамлакатларида чемпионат баҳслари энди бошланди. Миллионлар сарфлаб, жамоаларга қўшиб олинаётган футболчиларнинг қай бири иқтидорини намойиш этишини эса вақт кўрсатади.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахриратта келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахриратт жавобгар эмас.

Газета тахриратт компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

■ Тижорат материаллари

■ **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиёв.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмоилов.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45. Тошхирлиди — 23.00

1 2 3 5